



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 8 октябрь, № 195 (5362)

Шанба

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Турон-керамик"
корхонасида тайёрланаётган нафис
чинни маҳсулотларининг довуғи етти
иқлимни тутган, десак адашмаймиз.

Нафис чиннилар довуғи

Корхонага Хитойдан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Айни пайтда қирқ нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоа кунга тўрт минг донадан зиёд маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бермоқда.

— Чинни буюмларни тайёрлаш ўта масъулиятли ва мураккаб жараён, — дейди корхона раҳбари Нозимжон Расулов. — Ишлаб чиқаришга энг тажрибали уста-хунармандларни жалб этганлигимиз боис маҳсулотларимизга хорижда ҳам талаб ошиб бормоқда.

И. ЭГМАҚУЛОВА.

БУХОРО. Пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Бухоро-гипс" кўшма корхонасида салмоққа эмас, сифатга катта эътибор қаратилаётгани боис бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар анчайин хариддоргир.

Ҳам сифатли, ҳам салмоқли

Жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси 150 минг АҚШ долларлик қуруқ қурилиш қорихмасини экспорт қилгани бунинг исботидир.

"Бухорогипс" маҳсулотлариغا ички бозорда ҳам талаб ортиб бораётганини ҳисобга олган жамоа янги имкониятларни ўзлаштириш эвазига тўрт минг давр мобайнида 8500 тонна қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эришди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА бундан беш йил муқаддам гўштни қайта ишлашга ихтисослаштирилган 3 та корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони қарийб ўн баробар кўпайди.

Минитехнологиянинг катта имконияти

Яқинда Бўка туманида тадбиркор Ҳаёт Азаматовнинг замонавий минитехнологияга асосланган "Бунёдкор" — Ибратжон" хусусий корхонаси ҳам улар сифига қўшилди. Бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тадбиркорнинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг 60 миллион сўмлик кредити кўл келди. Айни пайтда гўшдан 5 турдаги сифатли маҳсулотлар тайёрланаётган корхона жамоаси қисқа фурсатда худуддаги савдо шохобчаларига 12 миллион сўмлик товар етказиб беришга улгурди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Янгиерлик тадбиркор Абдурашид Зиёев шаҳардаги қаровис этган биони мукамал таъмирдан чиқариб, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил қилди.

Янгиерда янги корхона

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 103 минг АҚШ долларлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ушбу маблағ эвазига хорижда замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 15 киши меҳнат қилаётган "Максус полимер монтаж" корхонасида йилга 1000 тонна 63 миллиметрдан 250 миллиметргача бўлган диаметрдаги полиэтилен қувурлар тайёрлаш имконияти юзага келди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

— Ўн тўрт йил муқаддам чок машинасида тиккан кийимларим билан "Ўқувчи либослари" республика кўрик-танловига қатнашиб, биринчи ўринни кўлга киритганим, — дея хотирлайди ШАҲРИХОН туманидаги "Пане люкс" хусусий корхонаси раҳбари Одинахон Отахонова.

Қишлоқ чеварлари муваффақияти

— Ушанда 4 та замонавий тикув дастгоҳи билан мукофотланган эдим. Қишлоққа келган, ўн нафар чевар билан иш бошладик. Эндиликда уларнинг сони 120 нафарга етди.

Қишлоқ чеварлари айни пайтда мактаблар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун либослар тикишмоқда. Ўтган йили улар 320 миллион сўм соф фойда кўришди. Жамоа эндиликда ўз маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам бошлади. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида хорижлик буюртмачиларга 600 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб берилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАЛАРИ

юртимиз саноатининг жадал ривожланаётганида
ҳам яққол намоён бўлмоқда



Ўзбекистон ўз миллий модели асосида тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этишда давом этмоқда. Турли соҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда модернизациялаш жараёнлари улкан муваффақиятларимиз омили бўлаётди. Пироваддида мамлакатимиз жаҳондаги ўз ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаб,

ҳақли равишда дунё аҳли эътирофини қозонмоқда. Айниқса, кўплаб давлатларда ҳанузгача ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари тўлиқ бартаф этилмаган бир шароитда республикамиз иқтисодиётида ўсиш суръатлари даражаси ялғи ички маҳсулотда 8,3, саноатда 9,3, қишлоқ ҳўжалигида 5,8 фоизга етгани қувонарлиқдир. Бу муваффақиятларни ҳеч иккиланмай мамлакатимизда илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларини янгилаш борасидаги изчил ислоҳотлар самараси сифатида эътироф этиш мумкин.

Жараён

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан илғари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мустақил ривожланишнинг қисқа даврида республикамизда барча соҳаларда юз берган ўзгаришлар ва натижалар чуқур таҳлил этилди.

Амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, юртимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди, демократик ўзгаришларни бундан-да чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"

нинг умумий йиғилишлари қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда жаъвобарлигини янада аниқ белгилаш лозимлиги қайд этилди. Акциядорлик жамиятларининг Қузатув кенгашлари, акциядорлар-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

ни ошириш, миноритар, яъни кўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг қафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажақ инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришдек бир қатор вазибалар кўйилди. Мамлакатимизда 1994 йилдан бошлаб корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш орқали акциядорлик жамиятлари ташкил этила бошланди. Ўтган давр мобайнида бундай жамиятларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятига доир қонунчилик тизими яратилди. Фуқаролик кодекси ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун,

(Давоми 2-бетда).

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР БАНК ТИЗИМИ

иқтисодий тараққиётнинг муҳим таянчидир

"Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 — 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари" номли статистик тўплам энг улуг, энг азиз байраминиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланаётган кунларда нашрдан чиққани юртимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Тўплам Президентимиз Ислон Каримовнинг китобхоналарга мурожаати билан бошланган бўлиб, унда, жумладан, шундай дейилади: "Мустақил тараққиётимизнинг энг би-

Ислоҳотлар сарҳисоби

ли банк тизимининг филиаллари фаолият кўрсатар ва улар юқорининг кўрсатмасисиз бирор-бир ишлаб чиқариш субъекти ёки ташкилотга мустақил равишда маблағ бера олмасди. Молия ресурсларининг марказлашган тарзда тақсимланиши, бунинг устига, кредит расмийлаштириш учун турли-туман "асословчи" ҳужжатларнинг кўплиги тўғрисида эса маблағга ўта муҳтож корхоналар йиллар давомида асосий воситаларини қудрат таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, мустақиллигимиз арафасида республикамизда собиқ марказга қарам бўлган камсонли, бир табақаринчи кунларда иқтисодиётимиз қандай аҳволда бўлгани, ўтган тарихан қисқа давр — йигирма йил давомида иқтисодиётимиз ва ҳаётимиз даражаси қандай суръатлар билан ривожлангани, қандай юксак чўққиларни кўлга киритганимиз, энг муҳими, қандай истиқбол режаларини тузаётганимизга танқидий баҳо беришимиз лозим".

Шулардан келиб чиқиб, ушбу мақолада биз мамлакатимиз банк тизимининг иқтисодий тараққиётимиздаги ролини баҳоли

(Давоми 2-бетда).



Жаҳонда пахта етиштирувчи мамлакатлар кўп. Шундай бўлса-да, улар орасида Ўзбекистоннинг ўзига хос алоҳида ўрни ва ҳавас қилгудек салоҳияти бор. Жаҳон пахта бозорига рақобат кескинлашиб бораётган бир пайтда халқаро миқёсда ўзбек толасига бўлган талаб-эҳтиёж тобора ортиб бораётгани бунга тўла асос бўла олади.

САЛОҲИЯТ ВА ЮКСАЛИШ

Ўзбек толаси жаҳон бозорига ўзининг муносиб ўрнига эгадир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкентда ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси эса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, серкуёш заманимизда етиштирилаётган "оқ олтин"нинг дунё бозорига айланиб улгурди. Негаки, унда Ер юзининг тўрт тарафидан юзлаб соҳа мутахассислари, деҳқончилик илмининг йирик намояндалари, тола савдоси билан шуғулланувчи нуфузли фирма ва компаниялар мутасаддилари иштирок этмоқда. Бу жараёнда тўла харида бўйича катта ҳажмда шартнома ва битимлар имзоланиб, кўп йиллик истиқболли ҳамкорлик келишувларига эришилаётгани, айниқса, таҳсина сазовор. Жорий йил мазкур ярмарка пойтахтимизда еттинчи бор

ги йиллар мобайнида бу ерда кенг қўламли модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида иқтисодий тежамкор сепараторлар ўрнатилди, пресслар агрегатлари ва хом ашё тозалаш ускуналари янгиланди. Бу-

Шу билан бирга, корхона худудида катта ҳажмда бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкмаъмурлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, камбё гул қўчатлари ва дарахт ниҳолларидан иборат мўъжаз қишки боғ ташкил этилди. Ҳосилни топширувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида хом ашё қабул қилиш майдонлари, тарозихона, лаборатория бўлимлари талаб даражасига келтирилди. Тайёрлов пункти эса мукамал таъмирланди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 октябрь кунини Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон — Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, банк-молия, энергетика, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, кимё, энгил саноат, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, мебоелсозлик ҳамда таълим соҳалари учун масъул вазирилари ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳ ҳамраиси Шавкат Тулаганов Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиқдан қочиб ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартаф қилишга, автомобиль транспортда халқаро юк ва йўловчи ташиниш ўзаро тартибга солишга, транспорт, маданият, илм-фан, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Ўзбекистон билан Италия ўртасида савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари катта. 2010 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 151,9 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь — август ойларига эса 153,9 миллион долларни ташкил қилди. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 32 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

— Италиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қизиқиши катта, — деди Италия Республикаси иқтисодий ривожланиш вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳ ҳамраиси Катиа Полидори хоним. — Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон бозорига дағи мавжуд барқарорлик италиялик ишбилармонларнинг мамлакатингиз билан ҳамкорликка бўлган қизиқи-

Шу кунги Ўзбекистон ва Италия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг бир қатор йирик фирма ҳамда компаниялари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Президентимизнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бир қатор идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатлар соҳада фаолият юритишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасида акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилиши ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ моддалар қайта кўриб чи-

қилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда, шунингдек, айна пайтда долзарб бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, авваломбор, акциядорлик жамиятларининг Қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ички аудит хизматининг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда масъулиятлари аниқлаштирилди.

Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилишини, айниқса, навбатдан ташқари умумий йиғилишини қақриш тартибини соддалаштириш, акциядорларни хабардор қилиш тартибини аниқ белгилаш ҳамда умумий йиғилиш қворумига бўлган талабларга ҳам ўзгартишлар киритилмоқда. Айни чоғда миноритар акциядорлар қоғдалатларини таъминлашга қаратилган алоҳида нормалар

яратилиб, дивидендлар миқдорини белгилашда шартларни аниқ кўрсатиш ҳамда дивидендларнинг ўз вақтида тўланиши учун жавобгарликни кучайтириш, акцияларни жойлаштириш ва уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни қўллаш механизми аниқлаштиришга қаратилган нормалар эса қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасига акциядорлар ва салоҳияти инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятига оид маълумотларга эга бўлиши учун улар томонидан ошкор этилаётган ахборотнинг ўз вақтида, тўлиқ эълон қилинганлиги ҳамда ишончилигини таъминлашга қаратилган янги нормалар киритиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳадаги нормалар ҳаётий,

амалиётдаги жараёнларга мос бўлиши учун, табиийки, соҳа мутахассисларнинг фикрларини, тақлиф-мулоҳазаларини билиш, шу асосда ҳужжатни мукамал тарзда тайёрлаш мақсадида жойларда туркум семинарлар ўтказилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган семинарларда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, уни қабул қилиш зарурати ҳусусида кенг ва батафсил тушунтиришлар берилди. Ўз навбатида, семинар иштирокчилари томонидан амалиётда учраётган айрим муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган янги нормалар юзасидан фикр ва тақлифлар билдирилди. Акциядорларнинг умумий йиғилишларида қворум тўллан-

маслик ҳолатларини бартараф қилиш, ҳозир турлича талқин қилиниши натижасида муаммоларга сабаб бўлаётган акциядорлик жамияти акцияси ва мол-мулкнинг бозор баҳосини аниқлаш ҳамда уларни беғоналаштириш, жамият устав фондиди ошириш бўйича тартибни соддалаштириш ва тафтиш комиссиясининг ваколати ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш шулар сирасига киради.

Эндиликда қонун лойиҳасини тақомиллаштиришда ўтказилган семинарларда ва бошқа манбалар бўйича тўпланган ана шу тақлиф-мулоҳазалардан кенг фойдаланиш мақсада мувофиқ, Зеро, қонун ижодкорлиги тараққий этмоқда.

Мақсуд МАНСУРОВ,
Давлат мулки кўмитаси давлат активларини бошқариш самарадорлигини ошириш ва таҳлил қилиш бошқармасининг бошлиғи.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Италиялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва ху-

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишдилар. Ўзбекистон ва Италия бизнес вакиллари машинасозлик, нефть-газ, транспорт коммуникациялари, қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат, тўқимачилик, мебеласозлик, таълим каби соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, Италия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, хусусан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори технология қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон компания ва корхоналари ҳамда Италия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокда кооперацион биржа ўтказилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ўза мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАЛАРИ

юртимиз саноатининг жадал ривожланаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Пойтахтимиздаги “Есо Electron” ва “Neo Sun Light” қўшма корхоналари ҳам ана шундай ҳаётбахш ислохотлар боис вужудга келган ишлаб чиқариш субъектларидан ҳисобланади. Мазкур компаниялар мамлакатимизда биринчи бўлиб маиший техника воситалари — газ плиталари ва кондиционерлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда “Artel” савдо белгиси остида тайёрланаётган корхона маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлаётди. Италиянинг “Comtec”, Хитойнинг “Midea” каби машҳур компанияларидан келтириб ўрнатилган энг сўнгги русумдаги технологиялар сифат ва самарадорлик омили бўлмоқда.

— Ҳозир маҳсулотларимизни ички бозорга пешмапеш етказиб бермоқдамиз, — дейди “Есо Electron” корхонаси директори Нодирбек Ибрагимов. — Хусусан, “Comida”, “Solana”, “Fresco”, “Gusto”, “Apetito” ва “Maestro” дея номланувчи олти турдаги газ плиталари ҳамда уч хил кўринишдаги “Montana” кондиционерлари харидорларга анча манзур бўлаётди. Маҳсулотларимизнинг нисбатан арзонлиги, тежамкорлиги, қулайли-



ги, бежиримлиги ҳамда ишончилиги унинг рақобатбардорлигини таъминляпти.

Ишлаб чиқариш цехларида бўлганмида қизгин иш жараёнларининг гувоҳи бўлдик.

Газ плиталари цехи. Бир тарафда пресслаш ускуналари, иккинчи томонда автоматлаштирилган бошқарув тизимига эга сирлаш линияси ишлаб турибди. Бошқа нуқталарда конвейер усулдаги бўяш тизими, қаварлаш ва маҳсулотни

маҳсурутларга жойлаштириш технологиялари...

Дарвоқе, корхонада мазкур маиший техника воситаси бевосита йиғилмасдан, балки тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача айтганда, темир листлардан газ плитанинг корпуси, эшиклар, духовканинг горелкалари ва бошқа металл, алюминий ва пластикдан ясаладиган қисмлар тайёрланади. Бу эса импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп товарларни маҳаллийлаштириш даражасини янада оширишга за-

мин яратмоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш устида ишлар кетапти.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда тайёрланаётган газ плиталари жаҳон стандартлари даражасидаги ўлчам ва дизайнга эга. Шунингдек, улар электр ўт олдириш, газни назорат қилиш тизими, ҳароратни меъерлашдириш турли конфоркалар, гриль ҳамда вертель каби қулайликлар билан

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

янгилашга қурби етмас эди. Бу пировардида сифатсиз, яъни рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши ва омборларнинг тўлдирилишига олиб келди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, кўпгина корхоналарнинг дебиторлик-кредиторлик қарзлари ошиб, молиявий ночор ҳолатга тушиб қолди.

Бизга 20 йил олдин ана шунча корхоналар мерос бўлиб ўтган, уларни жонлантирувчи энг муҳим соҳа — банк тизимининг ўзи ҳам туҳ ислохотларга муҳтож эди.

Шундай мураккаб бир вазиятда давлатимиз раҳбари бошчилигида бугун барчага маълум бўлган 5 та тамойилга мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётини, шу жумладан, банк тизимини бутунлай янгидан ислоҳ этишга киришилди. Жумладан, банклар фаолиятига доир қонунлар қабул қилиниб, шу асосда икки поғонали мустақил банк тизими яратилди. Бу тизим босқичма-босқич шакллантирилган ҳолда, унинг фаолияти тақомиллаштирилди. Натижада банкларнинг молиявий барқарорлиги, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, хорижий банклар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиб, республикамизда илгор халқаро банк таърибаси жорий этилди. Шу даврдан бошлаб, муҳими, банклар ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик бошланди. Яъни, том маънода, “Банклар — мижоз учун” деган шир республикамиз шарафиди ўз исботини топди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданқ, шунингдек, банкларда тўлов тизимини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, тўловларнинг амалга оширилишини кескин жадаллаштириш мақсадида улар бир қатор солиқлардан озод қилинди. Дунё банк амалиётида камдан-кам учрайдиган мазкур тадбир Президентимиз томонидан банк тизимига билдирилган улкан ишонч эди, албатта. Солиқдан озод қилинган маблағлар эса, ўз навбатида, банк тизимининг моддий-техник базасини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда республикамизда ҳамдўстлик мамлакатлари ичидан биринчи бўлиб ағона электрон тўлов тизимини яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, тижорат банк-

ларининг устак капиталидаги давлат улushiни камайитириш ва банкларни хусусийлаштириш жараёнида алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда банк хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш мақсадида республика банк тизимида халқаро андозалар асосида банк хизматлари кўрсатиб келаётган хусусий сармога иштирокидаги тижорат банкларнинг ташкил этилишини рағбатлантириш борасида бир қатор ишлар рўёбга чиқарилди.

Банк тизимига хусусий капитал оқимининг кириб келишини рағбатлантириш, айтиш мумкинки, тизимни қайта ташкил этиш жараёнининг стратегик йўналишларидан бири бўлди. Мазкур жараён, айниқса, 1997 йилда хусусий тижорат банкларига бир қатор имтиёз ва рағбатлантирувчи омиллари беришни назарда тутуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганидан сўнг янада фаолиятда. Гап шундаки, бу ҳужжатга қўра, хусусий тижорат банклари ташкил қилинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида бюджетга даромад солиғи тўлашдан озод этилди ҳамда банклар, улар ўз фаолиятини бошлагандан сўнг олти ой ўтган, хорижий валютада операциялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши белгиланди.

Бундан ташқари, иқтисослаштирилган банклар фаолиятини универсаллаштириш жараёнидаги эътибор берилиб, тижорат банкларидан молиявий ва бухгалтерия хисоботларини юритишнинг халқаро меъзон ҳамда стандартларга тўла жавоб берадиган тизими жорий қилинган айни мўддао бўлди. Барчага аёнки, тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан бири, — мамлакат иқтисодий ривожланишида молиявий воситачи сифатида иштирок этиб,

аҳоли ва корхоналарнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ҳамда мазкур маблурларни кредитлар ва инвестициялар шаклида иқтисодиёт тармоқлари бўйича қайта тақсимлашнинг таъминлашдир. Шу орақаб улар мавжуд капиталнинг миллий иқтисодиётнинг паст самарали тармоқларидан рақобатбардош тармоқларга оқиб ўтишига таъсир кўрсатди, акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қорғаларни муомалага чиқариш ҳамда депозит мультимупликацияси ёрдамида эса иқтисодиёт учун зарур бўлган сармоалар, яъни инвести-

ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ресурс манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониётларга, яъни аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк акциялари ҳамда марали тармоқларидан рақобатбардош тармоқларга оқиб ўтишига таъсир кўрсатди, акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қорғаларни муомалага чиқариш ҳамда депозит мультимупликацияси ёрдамида эса иқтисодиёт учун зарур бўлган сармоалар, яъни инвести-

дан жалб қилинган умумий депозитлар ҳажми ўтган йилдаги миқдордан 52,3 фоизга ёки 6 трлн. 278 млрд. сўмга ошиб, 2011 йил 1 июль ҳолатига қўра, 18 трлн. 279 млрд. сўмни ташкил этди. 1995 — 2010 йилларда ушбу кўрсаткич 176 марта ортгани банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар тўғри ва самарали юриштирилганининг тасдиғидир.

2010 йилнинг охирига келиб, шунингдек, аҳолининг мамлакатимиз тижорат банклариданги омонатлари ҳажми эса 4,4 трлн. сўмдан ошиб кетди. Бу 1995 йил кўрсаткичларидан солиштирма нарҳларда 52 баробар қўпдир. Жисмоний

лари умумий активлари банк тизими жами активларининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этадиган 18 та тижорат банки учун “барқарор” рейтинг баҳосини бергани бунинг аққол исботидир.

Шу ўринда қуйидаги далилларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқ, 2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча манбалар ҳисобидан аввалги йилдаги миқдордан 1,4 баробар қўп, яъни 2,7 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан 485 млрд. сўмдан ошмироғи микрокредитлар бўлиб, бу борада 1,5 баробар

корхоналарга қиритилган 156 млрд. сўмлик инвестициялар ҳисобига жами 460 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 165 млн. АҚШ долларлиги экспорт қилиниб ҳамда 21 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Статистик тўпламда 2011 — 2015 йилларда тарқийбий ўзгаришларни, яъни иқтисодиётнинг соҳа ҳамда тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгиллаш ҳамда транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши алоҳида қайд этилган бўлса, 2010 йилда қабул қилинган республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш дастурида шу даврда банкларнинг ялпи капиталини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан 2,1 баробар, шунингдек, аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг депозитлари банклар томонидан жалб қилиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва тармоқлари инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳажмини 2,8 баробарга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини 2,7 баробарга, микромолиялаштириш хизматлари ҳажмини эса 2,8 баробарга ошириш белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, унинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш, тарқийбий қайта қуриш ва модернизация қилишдаги ролини ошириш бундан кейин ҳам республикамизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Оклят РАШИДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.
Иброҳим ТОЙМУХАМЕДОВ,
доцент.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, республикамиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, тараққиёт эътириш борасида қабул қилинаётган қарор ва қонунлардан қўзланган пировард мақсад ҳам шу, аслида.

лик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш ҳолатини тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини

электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ билан ҳамкорликда истеъмолчиларнинг қарздорлигини қисқартириш ва унинг келгусида ўсишини олдини олиш ҳамда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига барҳам бериш юзасидан тадбир режалари ишлаб чиқилган. Жумладан, биргина жорий йилнинг август ойда солиқ хизмати идоралари томонидан 200 та истеъмолчининг 371,1 млн. сўмлик мuddати ўтган қарздорлиги юзасидан худудий электр тармоқлари корхоналаридан реестрлар қабул қилинган. Улар асосида 153 та истеъмолчидан 128,9 млн. сўм ундирилган бўлса, 47 та истеъмолчининг 242,2 млн. сўмлик қарздорлигини белгиланган тартибда мажбурий ундириш юзасидан Ҳўжалик судларига аризалар киритилди. Натижада юридик шахсларнинг электр энергиясидан мuddати ўтган дебиторлик қарздорлигини йил бошидаги нисбатан ўртача 34,2 фоизга қисқартиришга эришилди.

ИСЛОҲОТ ВА ТАШАББУС МЕВАСИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 майдаги табиий газ ва электр энергияси учун истеъмолчиларнинг дебиторлик қарздорлигини хатловдан ўтказиш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини қисқартириш, унинг келгусида ўсишининг олдини олишга йўналтирилган фармойиши газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, истеъмолчилар ҳамда таъминотчиларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида жойларда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари раҳбарлигида электр энергияси корхона-

